

Доривор ўсимликларни
муҳофаза қилиш ва уларни
ресурсларидан оқилона
фойдаланиш. Ўзбекистон
табiiй кўриқхона фонди



- Маъруза: 2 соат

- Сидаметова З.Э.

**Охрана и рациональное использование
ресурсов лекарственных растений.
Заповедный фонд Узбекистана**

Доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш омиллари

Доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш – бу атропо-муҳитни, табиатни кўриқлаш каби катта бир вазифанинг бир қисмидир. табиатни кўриқлаш – бу бажариладиган тадбирлар тизимидан иборат бўлиб, табиий ресурсларни (дў) сақлаш, улардан тежамли фойдаланиш ва уларни қайта тикланиши каби ишларни ўз ичига олади.



Табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Жами мавжудот, ер, сув, ҳаво ва тупроқ, ҳайвонот ва ўсимликлар олами битта занжир — **ЭКОТИЗИМНИ** ташкил қилади. Инсон ҳам шу халқанинг бир бўлагидир.



Схема биогеоценоза.

Табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

- **Олимларнинг изоҳича, ер юзининг ҳосилдор сатҳи сайёранинг ер фонди дейилади, бу 149 миллион квадрат километрни ташкил қилади. Ер фондининг 40,3 миллион квадрат километри ўрмон ва дарахтзор билан қопланган.**



Табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Конституциямизнинг 55-моддасида ҳудудимизнинг табиий манбалари, жумладан, ер, сув ва ўрмонлар умумхалқ бойлиги деб белгиланган ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади.



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, атроф-муҳитни, хайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди.

- 1992 йил 9 декабрда **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**,
- 1993 йил 7 майда **"Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида"**
- 1997 йил 26 декабрда **"Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**
- 1999 йил **«O‘rmon haqida»** қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунлар барча ўсимликлар турларини сақлаб қолиш, уни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишда муҳим ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Ўсимлик олами аста-секин ўзининг ҳар хиллиги ва яхлитлигини йўқотмоқда. Ер юзининг 1/6-1/4гача қисми табиий ўсимликлар билан қопланмаганлиги маълум. Ҳозирги кунда доривор ўсимликлар сони камаймоқда.



Масалан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани (Чимён) 1984-1990 йилларда доривор ўсимликларга бой бўлган. Талабалар билан экспедицияга чиқилганда, ҳар 20-30 квадрат метр жойда, камида 30-40 тагача илмий тиббиётда ишлатиладиган доривор ўсимликлар турлари учрар эди ва уларни талабаларга таништирилар эди. 2010 йилга келиб, шу жойларда кўпи билан 10 тагача доривор ўсимликлар учраши, шу билан бирга уларни ҳажми кам бўлиб, теришга мутлақо етмайди.



Табиатни муҳофаза қилиш стратегиясини асослаш учун ҳаёт муҳитини сақлашнинг асосий принциплари сифатида қуйидагилар таклиф қилинади:

- **Биологик хилма-хилликни сақлаш зарурлиги. Фақатгина турли, хилма-хил бўлган тирик табиатгина муҳим ва юқори ҳосилдордир.**
- **Фойдали бўлиши мумкинлиги. Бу принцип асосида, инсониятга у ёки бу турнинг қандай нафи борлигини олдиндан билиб бўлмаслигини ҳисобга олиш ётади.**
- **Жами тирик табиатнинг ўзаро боғлиқликлиги. Табиатнинг бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб занжиридан бир ҳалқа тушиб қолса, олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.**




Доривор ўсимликлар ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий йўналишлари:

- Маҳсулот тайёрлашни тўғри режалашлаштириш ва жойини аниқлаш.
- Доривор ўсимликларни биологик ўзига хослигини ҳисобга олиш.
- Маҳсулот тайёрлашни меъёрлаш.
- Маҳсулотни тайёрлаш қоидаси ва усулларига бўйсунуш.
- Истиқболли янги ўсимликларнинг турларини излаш.
- Заҳираси чегараланган доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва экиш.

Биосфера таркиби ва тартибини ўзгартиришга таъсир этадиган асосий антропогенларга қуйидагилар киради:

- Ҳавога саноат чиқиндиларини чиқариб ифлослантириш ва бошқа ташлаб юбориладиган чиқиндилар;
- Суғориш тизими, ерларни ҳайдаш ва майдонларни сувга бўктириш, ҳаддан ташқари чорвачилк ҳайвонларини боқиш, ўтларни йиғиш, дарахтларни кесиш;
- Майдонларда қурилиш ишларини олиб бориш, транспорт йўлларини қурилиши;
- Шовқин-сурон, электромагнит таъсири, радиация фонини ортиши;
- Оммавий дам олишни ташкил қилиниши ва булар таъсирида ерни тепкилаб, зичлантириб ва булғатиб, айрим жойларда ёнғинлар уюштирилиши;
- Кўплаб ўсимликларни териб кетиш ва ҳайвонларни коммерция мақсадида ўлдириш (браконьерства).



“Қизил китоб”нинг ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофазасидаги ўрни

Ҳозирги вақтда Ер юзидда 20-25 минг ўсимлик турлари йўқолиб (қирилиб) кетиш хавфи остида.

Масалан, АҚШ да 200 турга яқин йўқолиб кетган, ёки йўқолиш арафасида турган ҳисобланади.

Янги Зеландияда камайиб кетган ва йўқолаётган ўсимликлар рўйхати 314 турдан иборат бўлиб, бу кўрсаткич шу флоранинг 14% ини ташкил қилади.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилот (МСОП)

Ер шаридаги ўсимлик ва ҳайвонот олаmidан қатор ўсимлик турларини йўқолиб кетиш хавфи 1948 йилда **Халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотини (МСОП) (Международный союз охраны природы)** доимий Комиссиясини тузилишига олиб келди. Улар ўсимлик ва ҳайвон турларини йўқолиш сабабларини ўрганадилар ва олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадилар. Шу вақтдан бошлаб бутун дунёда йўқолаётган ўсимлик ва ҳайвон турлари рўйхатини тузиш бошланган.

“Қизил китоб - бу хужжат бўлиб у Инсоннинг виждонидир. Ҳар қайси миллат дунё олдида ўзининг табиат бойликларини асраш маъсулиятини олган”(Халқаро Қизил китобдан).

Англиялик зоолог Питер Скот таклифига кўра, **Халқаро Қизил китоб** ташкил қилинди - унга 1966 йилдан ноёб (редкие), йўқолиб кетиш хавфи бўлган ҳайвон ва ўсимликлар бўйича қисқа маълумотларни чоп этиш бошланган.

1979 йилда шу **Халқаро Қизил китобга:**

321 та денгиз жониворлари (млекопитающие),

485 тур қуш,

141 тур судралиб юривчилар (пресмыкающиеся)

41 тур ерда ва сувда яшайдиганлар

194 тур балиқ киритилган.

Ўсимлик турлари бу китобда 250 турни ташкил қилган. Шу билан бирга 1600 йилдан бошлаб Ер юзидан йўқолиб кетган ҳайвонот ва ўсимлик турлари рўйхати ҳам тузилган.

• 1978 й. 27 сентябрда Ўзбекистон ҳукуматининг 564-сонли қарори, ЎзР ФА Президиумининг 1978 й., 24 ноябрдаги 135-сонли қарори ҳамда, ЎзР ФА Илмий кенгашининг биосфера муаммоси бўйича 1979 й. 6 июлдаги 2-сонли Бюросида **“Ўзбекистон Қизил китоби”** таъсис этилган.

“Қизил китоб”га у ёки бу объектни киритилишига асос, шу объектни бундан буён ҳаёти хавф остидалиги ҳисобланган.

“Қизил китоб”нинг аҳамити фақат йўқолаётган ҳайвонот ёки ўсимликлар рўйхатини тузиш билан чекланмайди. Унда рўйхатда келтирилганлар тўғрисида зарурий маълумотлар ҳам келтирилади.

“Қизил китоб” нинг вазифаси йўқолаётган ҳайвонот ва ўсимликларни эҳтиёт қилиш ва сақлашга жамоатчиликни ва ҳукумат идораларини эътиборини жалб қилиш.

«Қизил китоб»

- Ўзбекистон флорасининг 400 дан ортиқ муҳофазага муҳтож бўлган ўсимлик турларидан 163 таси **“Қизил китоб”** ни 1-нашрига киритилди, чунки улар энг кўп йўқолиш хавфи остида эдилар. Кам учрайдиган ва йўқолаётган турларни аниқлаш давом этмоқда.
- Янги **«Қизил китоб»** да эса (1998) киритилган ўсимлик турларининг сони 301 тага етди.
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозир 4150 га яқин ёввойи ўсимлик турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12% ини ташкил этади.

- Янги **«Қизил китоб»** (2003) биринчи бор давлат тилида ёзилган бўлиб, иккинчи томида сут эмизувчиларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юривчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури, халқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури ва бўғим оёқлиларнинг 61 тури киритилди.
- Зарафшон воҳасининг флораси 2600 тур, Самарқанд вилоятининг 1700 тур, ундан 201 тур доривор ўсимликлардир.

•Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 163 тури Қизил китобнинг 1984 йилги нашрига киритилган ва ушбу турларнинг тақдири билан республика мутахассислари, олимлари муттасил шуғулланиб келмоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган кузатишлар айрим ўсимлик турларининг сони ва майдони анча кенгайганлигини кўрсатди.

Масалан, **анзур ёки Суворов пиёзлари** маълум даражада кўпайди. Қурама тизмасида камёб ўсимликлардан ҳисобланган **Коровин ширачининг** мавжудлиги аниқланди. Айни вақтда айрим ўсимлик турларининг (**Омонқора, пском пиёзи, Маргарита мармараги**) сони кескин қисқариб кетган.

Суворов пиёзи



Зарафшон парписи -Аконит зарафшанский




**Қашқадарё, Сурхандарё,
Жиззах, Фарғона вилоятлари**

Бойсун ветреницаси



**Хисор тизмаси: Бойсун, Шўрчи,
Денов (Сурхандарё вилояти).**

Хисор Искандерияси



**Хисор тизмаси Қоракўл,
Тўпаланг дарёси irmoқлари
(Сурхандарё вилояти).**

Ўзбекистон чиннигули (гвоздика)



Зарафшон тизмаси: Тахта-Қарач
перевали, Қызыл-Олма қишлоқ
атрофлари, Тарағай; Хисор тизмаси:
Бахча қишлоқ атрофлари (Самарқанд
ва Қашқадарё вилоятлари).

- Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг **Қизил китобига** киритилган ўсимлик турларининг сони 301 тага етди. **Қизил китобга** киритилган ўсимлик турлари Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган таснифга биноан 4 гуруҳга ажратилди.

1. Йўқолган ёки йўқолиш арафасидаги турлар

- Бир неча йиллар давомида табиатда учратилмаган, лекин айрим йиғиб олиш қийин бўлган жойлардагина ёки маданий шароитда сақланиб қолиш эҳтимолига эга бўлган ўсимлик турлари.

Повидимому исчезнувшие.

Виды, не встреченные на протяжении нескольких лет, но, возможно, уцелевшие в некоторых недоступных местах или в культуре.

2. Йўқолиб бораётган турлар

- Йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиши учун махсус муҳофазани талаб этадиган турлар.

Исчезающие.

Виды, не встреченные на протяжении нескольких лет, но, возможно, уцелевшие в некоторых недоступных местах или в культуре.

3. Камёб турлар

- Маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар.

Редкие.

Виды, не находящиеся под непосредственной угрозой исчезновения, но встречающиеся в таком небольшом количестве или в таких ограниченных по площади и специфических местах обитания, что могут быстро исчезнуть. Требуется тщательное наблюдение.

4. Камайиб бораётган турлар

- Маълум вақт ичида сони ва тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида қисқариб кетаётган турлар. Айни вақтда, бундай ўсимликлар ҳар томонлама назорат қилиб туришни талаб этади.

Сокращающиеся. Виды, численность и ареал которых уменьшается в течение определенного времени по естественным причинам из-за вмешательства человека или в результате того и другого. Необходима регулярная оценка их состояния.

Ўзбекистон табиий қўриқхона(заповедник) фонди

- 9 ta davlat qo‘riqxonasi (2164 kv.km)
 - 2 ta milliy bog‘ (6061 kv.km),
 - 9 ta davlat buyurtmaxonasi (12186,5 kv.km).
-
- Muhofaza etiladigan tabiiy hududlarimiz — 20520 kv.km. Bu mamlakatimiz sathining 5,2%ni tashkil qiladi.
 - O‘lkamizning 2 million 904 ming gektar maydoni bevosita o‘rmon bilan qoplangan. Uning 627 ming gektari madaniy o‘rmonlar, qolgan qismi esa tabiiy o‘rmonzorlar.



Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни қўриқлаш тизимини ташкил қилиш

Қўриқхона (Заповедник) - қуруқлик ва сув ҳавзасининг характерли табиий ландшафтлари бўлган маълум бир майдон бўлиб, табиатни муҳофаза қилишнинг энг самарали турларидан биридир.

Қўриқхоналарнинг асосий вазифаси - табиатнинг диққатга сазовор, қимматли ландшафтларини жамият манфаатлари учун сақлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида махсус қўриқланадиган табиий майдонлар

МҚТМ номи	Ташкил топган йили	Майдон (га)	Бириктирилган жой	Худуд
Давлат қўриқхоналари				
“Бадай-Тўқай”	1971	6642	Қишсувхўжваз	Қорақалпоғистон Республикаси
Хисор	1983	80 986	Давтабқўмита	Қашқадарё вил.
Зомин	1926, 1960 йилда қайта тикланган	26 848	Қишсувхўжваз	Жиззах вил.
Зарафшон	1975	2352	Қишсувхўжваз	Самарқанд вил.
Китоб	1979	3938	Госкомгеология	Қашқадарё вил.
Қизилқум	1971	10 311	Қишсувхўжваз	Хоразм ва Бухоро вил.
Нурота	1975	17 752	Қишсувхўжваз	Жиззах вил.
Сурхон	1987	24 554	Қишсувхўжваз	Сурхандарё вил.
Чотқол	1947	35 724	Вилоят хокимлиги	Тошкент вил.

ЗОМИН ТОҒ-ЎРМОН ҚЎРИҚХОНАСИ

- У ТУРКИСТОН ТИЗМАСИ ҒАРБИЙ ҚИСМИНИНГ ШИМОЛИЙ ЁНБАҒРИДА, ЗОМИН ТОҒИДА **1900-3500 м** БАЛАНДЛИКДА ЖОЙЛАШГАН.

- БУ ЕРДА ТОҒ, ДАШТ, ЎРМОН ВА СУБАЛЫП ЎСИМЛИК МИНТАҚАЛАРИ МАВЖУД.

- ҚЎРИҚХОНА ХУДУДИДА **150** ДАН ОРТИҚ ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ БОР. ЎРМОНЗОРНИНГ ПАСТКИ ҚИСМИДА ЗАРАФШОН АРЧАСИ, ЎРТА ҚИСМИДА САУР АРЧАСИ, ЮҚОРИ ҚИСМИДА ТУРКИСТОН АРЧАСИ ЎСАДИ.

- ЗОМИН ТОҒ-ЎРМОН ҚЎРИҚХОНАСИДА АРЧАЗОРЛАРНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК МАЖМУАЛАРИНИ САҚЛАШ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАДҚИҚ ЭТИШ, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ, УЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ШУНИНГДЕК, АРЧА БИОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ, АРЧАЗОРЛАРНИ КЕНГАЙТАРИШ, ХАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ САҚЛАШ ВА ТИКЛАШ БЎЙИЧА КЎПГИНА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. (Жиззах вил).

Чотқол ТОҒ-ЎРМОН ҚЎРИҚХОНАСИ

- Ушбу ҚЎРИҚХОНА ЧОТҚОЛ ТИЗМАСИНИНГ ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ҚИСМИДАГИ ДЕНГИЗ САТХИДАН 1000-3200м БАЛАНДЛИКДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, МАЙДОНИ 47,5 МИНГ ГЕКТАР ЕРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ҚЎРИҚХОНА ХУДУДИДА ҚУРУҚ ДАШТДАН ТАШҚАРИ МЕВАЛИ ЎРМОНЛАР, АРЧАЗОРЛАР, АЛЬП ЎГЛОҚЛАРИ КАБИ ЛАДШАФТ МИНТАҚАЛАРИ МАВЖУД. БУ ЕРДА 600 ДАН ОРТИҚ ЎТ, 40 га ЯҚИН ДАРАХТ ВА БУТА ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ УЧРАЙДИ. ҚЎРИҚХОНАНИНГ ДЕЯРЛИ ЯРМИ АРЧАЗОРЛАРДАН ИБОРАТ. БУНДАН ТАШҚАРИ ПИСТА, КАВКАЗ ШАМШОДИ, ЗИРК, ИРҒАЙ, ВА БОШҚА ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ ЎСАДИ (Тошкент вилояти, Бустонлик тумани).

БОДАЙ-ТЎҚАЙ ҚЎРИҚХОНАСИ

- ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН. ҚЎРИҚХОНАДА ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОН ТУРЛАРИ КўП. БУ ЕРДА ТУРАНГИ, ЮЛҒУН ВА ҚИЁҚЗОРЛАР МАВЖУД.

• НУРОТА ҚЎРИҚХОНАСИ

- НУРОТА ТОҒ ТИЗМАСИ ЁНБАҒИРЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. НУРОТА ҚЎРИҚХОНАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ТОҒ-ДАШТ МИНТАҚАЛАРИНИ, АЙНИҚСА, СЕВЕРЦОВ ҚўЙИ ЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ(самарканд).

Зарафшон қўриқхонаси

- Бу қўриқхона Самарканд шаҳрининг Зарафшон дарёси атрофида ташкил этилган. Қўриқхонанинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хилдир. Тўқайларда **140** дан ортиқ ўсимлик тури ўсади.

• ҚИЗИЛСУВ ҚЎРИҚХОНАСИ


- ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. УНИНГ ХУДУДИДА АЙИҚ, ҚОПЛОН, ТОҒ ЭЧКИСИ, УМУМАН ТОҒ-ЎРМОН МИНТАҚАСИ, АРЧАЗОРЛАР ВА УНИНГ ҲАЙВОНЛАРИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ.

Миллий боғлар

Зомин халқ хиёбони	1976	24 110	Қишсув хўжвазир лиги	Жиззах вил.
Угам-Чотқол Дав. Халқ миллий боғ (природный парк)	1990	574 590	Вилоят хокимлиги	Тошкент вил.

Заказниклар (буюртмалар)

- **Заказникларда** табиий - географик мажмуалар таркибий қисмларнинг айрим бўлаклари, айрим ҳайвон ёки ўсимлик турлари муҳофаза қилинади. Унда қатор табиий ресурслардан хўжалиқда фойдаланишга рухсат берилади.
- **Заказниклар** вақтинчалик ва доимий бўлади.

- 
- **Вақтинчалик** заказниклар кўпинча овчилик хўжаликларида ов қилинадиган ҳайвон ва қушларнинг сонини тиклаш ва кўпайтариш мақсадида маълум муддатга ташкил қилинади.
 - **Доимий заказниклар** ўсимликлар, ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун тузилади.
 - Ўзбекистонда умумий майдони 197 минг гектардан иборат 8 та заказник бўлиб, уларда республикамизнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси муҳофаза қилинади ва тикланади.

Махсус ташкилотлар

“Жайран” экомаркази	1976	7122	Давтабқўмита	Бухоро вил.
Заказниклар (буюртмалар)				
“Оқтоғ”	1992	15 420	Давтабқўмита	Самарқанд вил.
“Денгизкўл”	1992	50 000	Давтабқўмита	Бухоро вил.
“Қорақир”	1992	86 225	Давтабқўмита	Бухоро вил.
Карнабчўл	1992	40 000	Давтабқўмита	Самарқанд вил.
Қушрабат	1992	16 300	Давтабқўмита	Самарқанд вил.
Муборак	1992	23 6846	Давтабқўмита	Қашқадарё вил.
Сайгачий	1991	1 000 000	Давтабқўмита	Қорақалпоғистон республикаси
“Сармыш”	1991	5000	Давтабқўмита	Навоий вил.
“Сечанкўл”	1992	7037	Давтабқўмита	Қашқадарё вил.
“Судочье”	1991	50 000	Давтабқўмита	Қорақалпоғистон республикаси

Табиат ёдгорликлари

Мингбулоқ тумани табиат ёдгорлиги	1993	1000	Давтабқўмита	Наманган вил.
Чуст тумани табиат ёдгорлиги	1994	96	Давтабқўмита	Наманган вил.
“Марказий Фарғона”	1995	142	Давтабқўмита	Фарғона вил.
“Язъёвон”	1991	1842	Давтабқўмита	Фарғона вил.